

2014

Хабар

ERURSEN SHOHI, AGAR OGOHSEN SEN AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

37
(1147)
12-sentabr
2014

www.xabar.uz
info@xabar.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ALOQA, AXBOROTLASHTIRISH VA TELEKOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI DAVLAT QO'MITASI NASHRI

Интернет Ичидаги Интернет



Тараққиётда қанчалик юксалишимиз, юртимиз эртанги тақдири бугунги ёшлар қўлида. Шу боис, билимли, ҳар томонлама баркамол ва соғлом авлодни вояга етказишдек муҳим масалалар истиқлолнинг илк йилларидан мустақил диёримизда амал олган давлат дастурларида аксини топди. Шу ишларнинг мантиқий давоми сифатида 2005 йилнинг 28 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори асосида ZiyoNET жамоат таълим тармоғи ташкил этилди.

Мамлакатимиз мактаблари, лицейлар ва касб-хунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртларида ҳар сафар янги ўқув йили Мустақиллик тақвими янгиланишидан бошланади. Биринчи марта мактабга борган болакайлар ва қизалоқлар қувончи, талабаликнинг илк ҳаяжонли кунлари ва ота-оналар туюдиган олам-олам бахтиёрлик туйғуси — албатта, буларнинг ҳаммаси Истиқлол берган имкониятлар, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик шарофатидан.

Айнан мустақиллик йилларида мамлакатимиз таълим тизимида туб ислохотлар амалга ошди. Чунончи, ахборот технологияларидан таълимнинг барча bosқичларида фаол фойдаланишга киришилди. Юқорида таъкидлаганимиз, интернет ичидаги интернет — ZiyoNET таълим тармоғи мамлакатимиз ёшлари ҳаётида тобора муҳим рол ўйнамоқда. Портал йилдан-йилга кенгайиб, унга жойлаштирилаётган электрон ресурслар сони, шунга яраша, фойдаланувчилари салмоғи ошиб бораётир.

Айнан мустақиллик йилларида мамлакатимиз таълим тизимида туб ислохотлар амалга ошди. Чунончи, ахборот технологияларидан таълимнинг барча bosқичларида фаол фойдаланишга киришилди. Юқорида таъкидлаганимиз, интернет ичидаги интернет — ZiyoNET таълим тармоғи мамлакатимиз ёшлари ҳаётида тобора муҳим рол ўйнамоқда. Портал йилдан-йилга кенгайиб, унга жойлаштирилаётган электрон ресурслар сони, шунга яраша, фойдаланувчилари салмоғи ошиб бораётир.

УШБУ СОНДА:

5-бет

Сўнги янгиллик!

Apple компанияси 9 сентябр куни iPhone 6 ҳамда iPhone 6 Plus смартфонлари тақдимотини ўтказди. Аппаратларнинг экран ўлчамлари 4,7 ва 5,5 дюйм бўлиб, улар олдингиларидан бирмунча юққа: iPhone 6 — 6,8 мм, iPhone 6 Plus — 7,1 мм.

Табиийки, смартфонлар компаниянинг ўз амалий тизими — iOS 8да ишлайди. Сўзлашув тартибида iPhone 6 Plus 24 соат, iPhone 6 14 соатгача дош беради. Телефонлар Wi-Fi тармоқларда узлуксиз 10 соатгача ишлаб беради, iPhone 6 Plusда 14 соатгача видео кўриш мумкин.



■ ТАТУда Ucell лабораторияси	2
■ Истиқболга интилаётганлар	3
■ Берлинда электроника кўргазмаси	4
■ Ягона порталда электрон тўловлар	7
■ Нишондорларимиз	8-9
■ Китобми ёки глобал тармоқ?!	11

Jumadan Jumagacha

● **Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов 2014 йил 11-12 сентябр кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг Душанбе шаҳрида бўладиган навбатдаги мажлисида иштирок этади. ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш истиқболларини, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни фаоллаштириш, транспорт-коммуникация соҳасидаги ҳамкорликка оид ҳамда ўзаро манфаатли бошқа масалаларни муҳокама қилдилар.**

● **Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида "Миллий тикланиш — миллий ўзликни англаш демократир" мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Унда юртга муҳаббат, тарихий ўтмишни унутмаслик, буюк аждодлар меросидан фаландириш, мамлакатимизнинг бутунлиги ва келажаги ҳақида қайғуриш, авлодлар учун обод ва фаровон Ватан қолдириш каби қадриятлар партиянинг дастурий ғояларини ташкил этиши алоҳида қайд этилди.**

● **Мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларида "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сента бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида "Мустақиллик дарслари" бўлиб ўтди. Ушбу машғулотларда Давлатимиз раҳбарининг шуйил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти" мавзуидаги халқаро конференциядаги маърузаси ҳамда Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллик байрами тантаналаридаги табрик сўзининг мазмун-моҳияти ёшларга етказилди.**

● **Нукусда "Ўзбекистон — муқаддас Ватан!" шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди. Тадбирда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, "оммавий маданият" ва бошқа турли зарарли иллатлардан асраш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.**

● **Пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейида 9 сентябр кунини "Узоқ ва яқин Ўмон" номи маданий-тарихий кўргазма очилди. Унда Ўмоннинг бутунги кунини ва тарихига бағишланган санъат ва фото асарлари, халқ амалий санъати намуналари, тарихий ҳужжатлар, миллий либослар, заргарлик буюмлари намойиш этилмоқда.**



Эҳтиром

Яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг "Эҳтиром нишони" билан тақдирлаш маросими тантанали ўтказилди. Мазкур маросимда ўзининг фидокорона меҳнати билан юрт равнақи ва истиқболга ҳисса қўшаётган, бу йилда изланиш ва ташаббус кўрсатишдан толаётган, ижтимоий шериклик асосида ишловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаати ва ҳуқуқларини ҳимоялашда юқори натижаларга эришаётган турли соҳа вакиллари — 21 нафар совриндор тақдирланди.

Ана шу совриндорлар ичида "Ўзбекистон почтаси" АЖ Жиззах филиали касаба уюшмаси кўмитаси раиси Насиба Гаирова федерация кенгашининг алоҳида эҳтиромига сазовор бўлгани ҳаммамизни қувонтирди.

Насибохон Гаирова ўз касбининг устаси, жамоа ўртасида муносиб обрў-эътиборли ва малакали ташкилотчи ҳамда алоқа соҳасида 33 йиллик меҳнат фаолиятига эга.

Филиал ходимларининг вакили сифатида соҳа равнақига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. У фаолияти мобайнида давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда самарали ишлаб, филиалда ишчи-хизматчиларнинг меҳнат, иж-

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Жиззах филиали касаба уюшмаси кўмитаси раиси Насиба Гаирова Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг "Эҳтиром нишони" билан тақдирланди.

тимой-иқтисодий, маънавий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга доир меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, меҳнат муносабатларида қонун устуворлиги таъминланиши борасида жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

Масъулият

"Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти томонидан почта алоқаси объектлари ходимларининг ўз мажбуриятларини бажаришга масъулиятсиз ёндашишларига йил қўймаслик, почта хизматини кўрсатиш технологиялари талабларини тўғри бажаришлари бўйича мунтазам чоратадбирлар олиб борилмоқда.

Жорий йилнинг август ойида Тошкент филиалининг Тўйтепа, Пискент, Бўка, Паркент, Янгибозор, Қибрай, Келес, Оққўрғон, Дустобод ва Янгийул почта алоқаси тармоқларида ходимлар, алоқа бўлими бошлиқлари ҳамда хат ташувчилар иштирокида йиғилишлар ўтказилди.

Мазкур йиғилишларда пенсия ва нафақа пуллари эгаларига белиланган тартибда ва тўлиқ

етказиб бериш, пенсионерларнинг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш, камомад ва ўзлаштирилганга йўл қўймаслик, республика бўйича почта алоқаси объектларида содир этилаётган камчиликларни келтириб чиқарган омиллар ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш, почта хизматлари сифатини ошириш, амалиётга жорий қилинган "Пенсия", "Туловларни қабул қилиш", "Электрон пул жўнатмаси", "Рўйхатга олинувчи почта жўнатмалари қидируви" ва "Обуна" дастури орқали ишларни ташкил этиш, алоқа объектларини компютерлаштириш ишларининг бориши масалалари муҳокама қилинди.

Учрашувда иштирок этган почта алоқаси ходимлари миқозларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш борасида ҳамда хизмат кўрсатиш сифати ва миқозларнинг почта алоқасига бўлган ишончига салбий таъсир қилувчи ҳолатларга йўл қўймаслик чоралари кўрилатгани тўғрисида фикр билдиришди.

ТАТУДА Ucell лабораторияси

Шу йилнинг 3 сентябр кунини ТАТУда 3 ва 4-авлод Ucell мобил технологияси лабораториясининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимда Европадаги йирик TeliaSonera телекоммуникация компанияси ва Ўзбекистондаги мобил алоқа оператори — Ucell компанияси раҳбарлари ва вакиллари иштирок этишди.

ТАТУ ректори Х.Муҳитдинов ҳамда TeliaSonera компанияси вице-президенти ва Евроосиё минтақаси раҳбари Эрик Халберглар ушбу муҳим воқеа билан иштирокчиларни табрикладилар.

Мустақиллик – энг олий неъмат

"Электромагнит мослашув маркази" ДУК Самарқанд вилояти техник радионазорат станцияси раҳбар ва мутахассислари 2 сентябр – "Билимлар кўни" да ўзларига бириктирилган Иштихон ахборот технологиялари ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида бўлишди.

Янги ўқув йили очилиши маросимидан кейин коллеж мажлислар залида устоз ва мураббийлар, ўқувчилар, шу ерда ҳозир бўлган ота-оналар учун очиқ дарслар ўтилди.

Унда шу йилнинг 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти" мавзuida бўлиб ўтган халқаро конференциянинг республика ва дунё миқёсидаги катта аҳамияти тўғрисида маърузалар қилинди.

Дунёнинг 50дан ортиқ мамлакатларидан ташриф буюрган делегациялар иштирокидаги конференциянинг очилишида Президентимиз Ислам Каримов ўз маърузасида "Ўрта асрлар Шарқ тарихи шундан далолат берадики, маънавият ва таълим-тарбия, тиббиёт, адабиёт, санъат ва архитектура соҳаларидаги беқиёс юксалиш, илмий мактабларнинг вужудга келиши янги-янги авлодлар тўлқинларининг пайдо бўлиши ва вояга етиши — буларнинг барчаси, биринчи навбатда, иқтисодиёт, қишлоқ ва шаҳар ҳўжалигининг анча жадал ўсиши, ҳунармандчилик ва савдо-сотикнинг юксак даражада ривожланиши, йўллар қурилиши, янги қарвон йўлларининг очилиши ва авваламбор нисбий барқарорликнинг таъминланиши билан бевосита боғлиқ бўлган"лигини тўлқинланиб сўзлаганди.

Буюк замондошларимиздан Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср ибн Ироқ, улуг қомусий аллома Абу Райҳон Беруний, Ислам оламининг энг машҳур файласуфи, қомусий аллома, тиб қонунларининг асосчиси Абу Али ибн Сино, араб тили грамматикасининг асосчиси, адабиётшунос, географ ва файласуф аллома Маҳмуд Замахшарий, буюк астроном олим ва давлат арбоби Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Заҳрирдин Муҳаммад Бобур каби буюк алломаларнинг номларини қайд этадиган бўлсак, санаб алоҳига ета олмаймиз.

Биз шундай, дунё аҳли тан оладиган ва уларнинг яратиб кетган асарлари олдида таъзим бажо айлайдиган буюк алломалар ватандошлари эканлигимиздан фахрланмоғимиз керак. Аждодларимизнинг буюк меросини доимо эъзозлашимиз, уларни ўрганишни доимо ўз олдимизга мақсад қилиб қўймоғимиз керак.

Тадбирда ҳозир бўлган устозлар ва ота-оналар, ўқувчилар биринкетин сўз олиб, бундай буюк инсонларнинг номлари тикланиши, шундай халқаро конференцияларнинг ўтказилиши бу — Мустақиллигимизнинг меваси эканлигини алоҳида таъкидладилар.



Малайзиялик олима ташрифи

Ахборот ва коммуникация технологияларининг тез суръатларда тараққий этиши инсоният ҳаётини, айниқса, ёшларнинг тўхтовсиз ахборотлар оқими билан қамраб олинишига, дунёда глобал ахборот тизими вужудга келишига сабаб бўляпти.

Бунинг яққол мисоли тариқасида, Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиалларида халқаро андозалар даражасида мутахассис кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини айтиш мумкин. ТАТУ Самарқанд филиалида хориж олий ўқув юртлири билан илмий, услубий йўналишларда фаол ишлар олиб бориляпти.

2014-2015 ўқув йилида талабалikka қабул қилинганлар орасидан танлов асосида инглиз тилига асосланган янги ўқув гуруҳи ташкил этилди. Бу гуруҳ талабаларига дарс машғулоти икки нафар Жанубий Кореяда малака ошириб қайтган профессор-ўқитувчилар томонидан инглиз тилида олиб борилмоқда.

Шу йилнинг 5-18 сентябр кунлари филиал маъмурияти таклифи асосида Малайзия Ислам илм-фан университети Фан ва технологиялар факултети декани, дастурлаш технологиялари ва сунъий тафаккур соҳалари бўйича стук мутахассис, профессор Норита Норави хоним филиалга ташриф буюрди. Малайзиялик мутахассис филиал иқтидорли талабалари гуруҳи ва инглиз тили гуруҳлари учун "C++ да дастурлаш" ва "Java дастурлаш тили" фанларидан ўқув машғулотларини олиб бормоқда. Шунингдек, профессор Норита хоним билан ҳозирги кунда долзарб ҳисобланган "Сунъий интеллект", "Нейрон тармоқлари" ва "Маълумотларнинг интеллектуал таҳлили" каби йўналишларда филиалда илмий изланишлар олиб бораётган ёш ўқитувчиларга илмий маслаҳатчи сифатида ҳамкорлик қилиш бора-сида келишувга эришилди.

Малайзиялик меҳмон филиалнинг ўқув жараёни билан яқиндан танишиб, "Дастурчилар тайёрлаш" ва "Электрон ҳукумат" ўқув марказида филиал профессор-ўқитувчилари билан учрашув ўтказди. Учрашувлар натижасида Малайзия Ислам илм-фан университети ва филиал ўртасида ҳамкорлик шартномаси тузишга келишиб олинди.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
"Xabar"нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири

ҚАРОР ВА ИҶРО

Истиқболга интилаётганлар

Агар ҳур ва озод дёғиримизнинг теле-коммуникация тармоқлари ривожига теран нигоҳ билан назар ташласак, тўб ўзгаришлар рўй бераётганлигини сезишимиз қийин эмас. "Ўзбектелеком" АК филиалларида йўлга қўйилаётган янгилар фикримизга дэлил бўла олади. Утган йили компаниянинг Сурхондарё филиалида "Ягона ойна" савдо офисларини очиб ишлари ниҳоясига етказилган эди. Жорий йил баҳорига эса Чақирқларга хизмат кўрсатиш ягона маркази (Call-center) ишга туширилди.

Бу истиқболли лойиҳанинг ижросини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасида Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари

ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар асосида филиал жойлашган бинода хоналар таъмирланди, мебел буюмлари ва компьютерлар билан жиҳозланди. Минтақавий марказнинг очилиш маросими кутилганидек тантанали ўтди. Ўз иш ўринларини топган маҳаллий ёшлар яратилган имконият учун миннатдорлик билдиришди. Шу билан бирга, юксак ишончга яраша меҳнат қилишга аҳд қилишди.

— Жамоамиз аъзоларининг танлов асосида саралаб олинганлиги ва ўқув машғулотида малака оширишгани фаолият давомида ижобий натижаларни бермоқда, — дейди филиалнинг Чақирқларга хизмат кўрсатиш ягона маркази раҳбари Камол Ҳолматов. — Ходимларимиз абонентларнинг муурожаатларига ўз вақтида ва сифатли муносабат билдиришмоқда. Улар марказ билан боғланганларнинг интернетга уланиш, IPTV, "ЎзМобайл" ва "Ўзонлайн" хизматларидан фойдала-

нишга доир саволларига доимо эътиборли бўлишяпти.

Дарҳақиқат, Чақирқларни қайта ишлаш ягона марказида турли маълумотлар — ахборот хизмати бўйича чақирқларни қайта ишлаш, мижозларга юқори даражада хизмат кўрсатишини янада яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Амалий ҳаракатлар мақсадга мувофиқ бўляпти. Хизмат самардорлигини таъминлашга Қумушхон Исмоилова, Муҳиддин Самиев, Ёлгора Нурмухаммедова каби ёш операторлар муносиб ҳисса қўшишяпти.

Бир сўз билан айтганда, "Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиалининг Чақирқларни қайта ишлаш ягона маркази аъзолари Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 23 йиллигини ёруғ юз билан кутиб олишди. Улар байрамдан байрамгача бўлган даврда иш бошлаб, истиқболга интилишгаётганидан беҳад хурсанд.

Нортожи ЗИЁЕВ,
"Xabar"нинг Сурхондарё вилоятидаги мухбири

Xalqaro haqot

● Хиндистон ва Покистондаги сув тошқинлари қурбонлари сони 440 кишидан ошди.

Табиий офат юз берган худуддан 60 мингдан ортиқ аҳоли кўчирилган. Умуман олганда, сув балосидан 1,5 миллиондан ортиқ инсон жабр кўрди. Энг кўп талафот Хиндистон шимолидаги Панжоб штати ҳамда Кашмирнинг Покистонга қарашли худудларида кузатилди.

● Жаҳон банки глобал иш ўринлари инкирози бошланишидан хавотирда. "Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда ўтказилган тадқиқот шундай тўхтамга келишимизга асос бўлди", деди банкнинг бандлик бўйича директори Найжел Туос.

Қалтис вазиятдан 2030 йилгача жаҳон бўйлаб 600 миллионга қўшимча иш ўринлари яратиш ҳисобига чиқиб кетиш мумкинлиги таъкидланган.

● Атмосферада парник газлари тўпланиши 2013 йили янги рекорд даражасига кўтарилди (CO2 миқдори — саноат инкилоби бошланиши арафасидаги 1750 йилга нисбатан 142 фоиз, метан ва азот чала оксиди — 253 ва 121 фоиз.). Ҳавонинг заҳарланиши ўсиши геометрик прогрессияда бўлиб, 1990 йилдан бери 34 фоизга салбий томонга ўзгарди.

Бутунжаҳон метеорология ташкилоти Бош котиби Мишел Жарронинг таъкидлашича, бу ҳеч шубҳасиз, инсониятнинг қазилма ёнилғилардан фойдаланиши оқибати бўлиб, атмосферага CO2 ва бошқа турдаги парник газлари чиқарилишини камайтиришда ҳозир фурсат бой берилса, кейин кеч бўлади.

Бош котибининг айтишича, ҳаводаги карбонат ангидрид бир неча юзлаб йил, океанларда ундан ҳам кўпроқ вақтгача йўқ бўлиб кетмас экан.

● Хитой Ерни масофадан кузатувчи йўлдошини фазога олиб чиқди. "Яоган" аппарати сайёрамиз табиий ресурсларини тадқиқ қилиш ҳамда табиий офатларни олдиндан аниқлаш каби вазифаларни бажаради.

Бу аппарат билан бирга фазога чиқарилган яна бир йўлдош — "Тянтэ-2" эса кичик йўлдошларда синовлар ўтказишга мўлжалланган.

● Дания — дунёдаги транспорт хизмати энг қиммат мамлакат. GoEuro портали мамлакатлар ички йўналишларида автобус, темир йўл ва ҳаво йўллари орқали йўловчилар ҳаракатланиши нархларини таҳлил қилганда шу хулоса келиб чиқди.

Демак, Данияда 100 километр масофага бориб олиш ўртача 39,84 долларга тушади. Кейинги погонларда — Швейцария, Австрия ва Япония.

Қирқ икки мамлакатдан иборат бу рейтингнинг охирида Жанубий Африка Республикаси жойлашган — 100 км/1,88 доллар.

Берлинда электроника кўргазмаси

Германия пойтахти Берлин шаҳри 5-10 сентябр кунлари IFA-2014 (истеъмол электроникаси ва маиший техника) кўргазмасига меъзолик қилди. Жаҳоннинг ётақчи компаниялари процессорлари, "селфифон"лари, "ақлли" соатлари ва ҳоказо янгиликлари билан ташриф буюрувчиларда яхши таассурот қолдиришди.



Samsung компанияси Gear S "ақлли" соати ва янги — Galaxy Note 4 смартфонни тақдимотини ўтказди. Турлош қурилмалар HTC ва Nokia стендларида ҳам кўзларни қувнатди.

IFA-2014даги асосий тақдимотлардан бири, шубҳасиз, Intel компаниясининг ўта тезкор процессори (Core M) бўлди. Бу процессорни 14-нанометрли технология асосида ясалгани учун энг

юққа планшетларга ҳам ўрнатса бўлади. Ноутбуклар ишлаб чиқарувчи компаниялар бу туркумга қизиқиш билдиришди.

Microsoft компанияси "селфи" (автопортрет) мухлисларини Nokia Lumia 730 ва 735 смартфонлари билан хушнуд этди. Уларнинг афзаллиги ҳар икки томонидаги фотокамералари матрицаларининг деярли бир хиллигидир.

Dell компанияси кўргазмага UltraSharp 27 Ultra HD 5K мониторини олиб келди. Унинг кенглиги: 5120x2880 пиксел. LG 8K (8680x4320 пиксел, диагонали — 98 дюйм) ўлчамли суюқ-кристалл телевизор панели билан меҳмонларни яқиндан таништирди. Мутахассислар унинг Full HD экранлардан 16 мартабагача ёрқин ва тиниқ эканлигини эътироф этишди.

Сугуртага ҳужум

АҚШ ҳукумати назорати остидаги тиббий сугурта расмий сайти хакерлар ҳужумига учраган. Аслида бу воқеа жорий йилнинг июл ойида юз берган ва ҳукумат бундан энди хабар топди.

Ўтказилган зарар ҳозирда ҳисоблаб чиқилмапти. Кибержиноятчилар миллионлаб америкаликларнинг тиббий сугуртасига доир маълумотларни қўлга киритган-киритмаганлиги номаълум.

Apple дизайнга

эътиборни кучайтиради

Таниқли дизайнер, австралиялик Марк Нюсон Apple компанияси билан ҳамкорликда иш бошлади. Марк Нюсон нафис мебеллар ва соатлар ишлаб чиқариб ном чиқарган. Қолаверса, Ford, Nike, Qantas Airways сингари нуфузли компаниялар билан ҳамкорлик қилган. Унинг ишланмалари Нью-Йоркдаги замонавий санъат музейидан ҳам ўрин олган.

Toyotaга етишига оз қолди

Facebook компанияси капитал кўйилмалари 200 млрд. доллардан ошди. Бу энг йирик ижтимоий тармоқ учун тарихий воқеадир. Инвесторлар тармоқнинг мобил шакли ва рекламалар соҳасини истиқболли дея ҳисоблашапти. Bloomberg ҳисоб-китобларига кўра, аини пайтда Facebook йириклиги борасида сайёрамиздаги 22-компанияга айланди ва Verizon Communications ҳамда Toyota Motor компанияларидан сал ортда қоляпти.

iOS

iOS тақдимоти — 17 сентябрда

Apple компанияси iOS 8 мобил амалий тизимининг яқиний талқини 17 сентябр кунини тақдим этилишини маълум қилди.

— Амалий тизим қатор функциялар билан бойитилган, чунончи, биринчи навбатда, Continuity асбоби орқали OS X билан интеграциялашув, Health app дастурий таъминоти ва Family Sharing тизимини санаб ўтиш мумкин. Тизим интерфейси ҳам жиддий ўзгаришга учраган.

Canon:

имкониятлар кенгаймоқда

Canon компанияси қаттиқ материалларда чоп этиш учун кенг форматли принтерлар чиқаришни бошлади. Осе Arizona 6100 туркумидаги бу принтерлар пешлаваҳа ва стендлар ишлаб чиқарувчиларга мўлжалланган бўлиб, биттаси йилига 30 минг квадрат метрдан ортиқ қаттиқ материални чоп эта олади.

"Энг арзон" смартфон

Amazon компанияси яқинда чиқарган Fire смартфонни баҳосини пасайтирди. Эътиборли жиҳати, бу воқеа Apple iPhone 6 тақдимотига бир кун қолганда амалга ошди.

Компания хабарига кўра, Fire русумидаги 32 Гб хотирали смартфонни, АҚШдаги AT&T оператори билан икки йиллик шартнома тузиб, атиги 99 центга олиш мумкин. Шу пайтгача қурилма 199 долларга сотилаётганди.

С.ТЕМИРОВ тайёрлади.



◀ 1-бет

Порталнинг вазифалари

■ Фаол ҳаётий мавқега эга шахсни вояга етказишга қаратилган миллий ахборот ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш.

■ Ёшларнинг маънан ва ақлан камол топишига қўмаклашувчи ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, таҳлилий, илмий-таълим ва

бошқа ахборотлардан кенг қўламда фойдаланишини таъминлаш.

■ Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва ҳар хил спорт ўйинларини оммалаштириш.

■ Республикамиз ўқувчи ва ёшлари учун масофавий таълим усулларини, бошқа ахборот-коммуникация хизматларининг кенг комплексини таълим тизимида жорий этишга қўмаклашиш.

Янги қиёфада

Жорий йилнинг май ойида портал тубдан тўлиқ модернизация қилинди ва янгича кўринишга келтирилди. Порталнинг бу талқинида энгил, ёшлар-боп ва айни пайтда фойдаланиш учун қўлай бўлган сайт дизайни ва Ziyonet тармоғининг янги логотиби яратилди.

Янги талқиндаги Ziyonet ижтимоий тармоқ тусини олди.

Энди портал фойдаланувчилари ўзларига дўстлар танлаб, улар билан фикр алмашишлари, мавзули гуруҳлар яратишлари, уларни кузатиб боришлари, турли соҳаларда фикр билдириб, муҳокама қилишлари, шунингдек, ўзларининг фотоалбомларини яратиб, медиафайллар киритишлари, онлайн ўйинларда қатнашиб, сателлит-сайтлар яратишлари мумкин. Синфдошлар ва курсдошлар учун алоҳида гуруҳлар очиб ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди, чунки тизим томонидан барча таълим муассасаларининг рўйхати тақлиф этилади.

Порталда бугунлай янги "Савол-жавоблар" хизмати ҳам йўлга қўйилган. Ўзингизни қизиқтирган саволларга бошқа фойдаланувчилардан жавоб олишингиз мумкин.

"Арбоблар" бўлимидаги мавжуд маълумотлар таҳрирлашиб бориш билан бир қаторда, янги маълумотлар киритилмоқда. Ушбу бўлимда асосан инсоният тарихида ўчмас из қолдирган машҳур инсонлар ҳақидаги маълумотлар жамланади.

Улкан ютуқларга эришган ёшларимиз фаолияти билан танишмоқчимсиз, унда "Иқтидорли ёшлар" бўлимига таширф буюринг.

Порталда бошқа қизиқарли ва фойдали сайтларга ҳам тўғридан-тўғри ҳаволалар жойлаштирилган.

Ziyonet миллий жамоат ахборот таълим тармоғига 8,1 мингдан зиёд умумтаълим мактаби, мингдан ортиқ касб-хунар коллежи, 128 академик лицей ва 75та олий ўқув юрти уланган.



Толибжон МИРЗАКУЛОВ

Ziyonet тармоғи Ресурс маркази бошлиғи:

— Яқин кунларда Ziyonet кутубхонасини ўзгартириш ва модернизациялаш бўйича навбатдаги ишларни амалга оширишни режалаштирганмиз. Хусусан, мактаб дарсликларини умумий тартибда жойлаштириш, шунингдек, ахборот материалларини онлайн ўқиш имкониятини жорий этмоқчимиз.

Бундан ташқари, ресурслар сонини сезиларли ошириш ҳамда фойдаланувчиларга қўлайлик яратиш мақсадида Ziyonet кутубхонасини бошқа электрон кутубхоналар билан интеграциялаш ҳам кўзда тутилган.

Шунингдек, фойдаланиш қўлай бўлиши учун барча ресурсларни фойдаланувчилар гуруҳи, яъни, ўқувчилар, талабалар, илмий изланувчилар ва ҳ.к. асосида бўлиб чиқиш ҳам галдаги вазифалардан бири ҳисобланади.

Интернет ичидаги ИНТЕРНЕТ



Чет тилларини Ziyonetда ўрганимиз

Шундай даврда яшашимизки, хорижий тилларни билишнинг аҳамияти ҳақида гапиришнинг ўзи ортиқча. Бу борада Ziyonet порталида тилларни ўрганиш бўйича интерфаол усуллардаги хилма-хил шакл ва воситалар тақдим этиляпти.

"Чет тиллар" бўлимида ўқувчи ва ўқитувчилар, талабалар учун қўлай манбалар бор. Улар ёрдамида ўқув жараёнини энгиллаштирадиган сермазмун материаллар, қўлаб дастурлар, жумладан, ўйинлардан фойдаланиш мумкин.

"Чет тиллари" бўлимига чет тилларини ўргатувчи 500дан ортиқ ўқув қўлланмалари ва услубий материаллар жойлаштирилган.

Мазкур бўлим сизни Ziyonet порталининг чет тиллардаги 1,6 мингдан зиёд видеороликни ўз ичига олган "uTube.uz" лойиҳасига йўналтиради.

Ziyonet кутубхонаси

Бу алоҳида мавзу. Негакки порталнинг "Кутубхона" бўлими ёшлар орасида энг оммалашган бўлим ҳисобланади. Айни пайтда электрон кутубхонада 55000дан ортиқ ресурс жамланган.

"Кутубхона" бўлимига ҳар йили, ўртача ҳисобланганда, 10 мингдан ортиқ электрон адабиёт киритиб бориляпти.

Республикаимиздаги барча таълим масканларида янги ўқув йили бошланган кунларда, аниқроғи, сентябр ойининг дастлабки ҳафтасида Алоқа тарихи музейида ташкиллаштирилган матбуот анжуманида Ziyonet мутахассислари портал, хусусан,

унинг электрон кутубхонасини ривожлантириш юзасидан амалга оширган сўнгги янгиликлари ҳақида ОАВ вакилларига сўзлаб беришди.

Маълум қилинишича, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан тақдим этилган материаллар (дарсликлар, масалалар тўплами, услубий қўлланмалар ва ҳ.к) асосида Ziyonet портали "Кутубхона"си бойитиб бориляпти. Ўзбек, рус, қорақалпоқ, қozoқ, тожик, инглиз ва бошқа турли тилларда тақдим этилган материаллар Ziyonet ресурс марказининг ХТВ ҳамда ОУМТВ ҳузуридаги бўлимлари ходимлари томонидан қайта текширув асосида "Кутубхона" бўлимига босқичма-босқич жойлаштирилади.

Ziyonet электрон кутубхонасидан дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, мустақил ишлар, тақдимотлар, луғатлар, бакалаврлик битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертациялари, номзодлик ва докторлик илмий ишлари авторефератлари ва бошқа қўлаб таълимий ресурслар ўрин олган.

Ресурсни бойитишга Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бугунга қадар ЎзФА томонидан тақдим қилинган қўлаб илмий журналлар, бюллетенлар билан бирга, 2000дан ортиқ номзодлик ҳамда докторлик диссертацияларининг авторефератлари ҳам кутубхонадан жой эгаллаган.

Ziyonet кутубхонасини модернизациялаш жараёнида эришилган энг асосий ютуқлардан бири — ОТМ ва бошқа илмий-таълимий муассасалар шахсий кабинетларининг жорий этилганлигидир. Шахсий кабинет ёрдамида таълим муассасалари барча маълумотларни ўз жавобгарликлари асосида (муаллифлик ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда) жойлаштириш имкониятига эга бўлди. Бу эса керакли материални жойлаштиришда ортиқча куч ва вақт сарфланишининг олдини олишга ёрдам беради.

Янгилишни жойлаштирилиши лозим бўлган материал шаклига ҳам ўз таъсирини кўрсатди — материални электрон кутубхонага архивланган ҳолда жойлаштириш ўрнига doc ва pdf шаклида порталга киритиш имконияти шакллантирилди. Бу маълумотни излаш жараёнини осонлаштиради.

Истикболда

Келажакда Ziyonet кутубхонасини бадиий адабиётлар билан ҳам бойитиб бориш режалаштирилган.

Дарвоқе, порталда рўйхатдан ўтиш худди илгаригидек ID.UZ орқали амалга оширилади. Бу тизим бўйича ҳам бир қатор қўлайликлар яратилган: энди Ziyonet портали орқали тўғридан-тўғри рўйхатдан ўтиш имконияти мавжуд. Авторизациядан сўнг бир қанча қизиқарли лойиҳалар иштирокчисига айланасиз.

Собит АҲАДОВ,
"Xabar" мухбири

ВИЗИТ

акционеров и руководящего состава TeliaSonera, посетивших компанию Ucell в Узбекистане, увенчался успехом!



3-4 сентября делегация группы TeliaSonera, состоящая из 12 акционеров и представителей руководящего состава холдинга посетила Узбекистан. Целью визита являлось ознакомление с условиями, а также с предпринимаемыми компанией Ucell инициативами в сфере устойчивого развития бизнеса, этики и соответствия политикам и инструкциям группы. В Узбекистан делегация приехала после посещения в Казахстане компании Kcell, которая является дочерней компанией TeliaSonera.

В целом визит прошел очень успешно, и акционеры остались довольными продуктивными встречами. Также они оценили открытый диалог состоявшийся между руководителями TeliaSonera, Kcell, Ucell и другими заинтересованными сторонами.

В рамках визита в Республику Узбекистан члены делегации, в которую вошли представители правительств Швеции и Финляндии, смогли высоко оценить возможности развития рынка, пообщаться с сотрудниками компании, встретиться с официальными представителями страны, бизнес-сообществом, а также с международными институтами, представленными в Узбекистане.

Во время данного визита инвесторам также представилась возможность сопровождать вице-президента TeliaSonera и главу Евразийского региона, Эрика Халлберга, на встрече с председателем Госкомсвязи Хуршидом Мирзахидовым. На встрече обсуждались различные вопросы касательно законодательной базы телекоммуникационного сектора, видение правительства стать страной ведущих ИКТ-технологий, а также дальнейшие перспективы сотрудничества с группой TeliaSonera.

Члены делегации уделили особое внимание вопросам устойчивого развития бизнеса, в

частности, они высоко оценили инициативы компании Ucell, направленные на обеспечение устойчивого и прозрачного ведения бизнеса на благо страны и группы. Мобильный оператор прилагает все усилия для должного воплощения в реальность внутренних антикоррупционных программ, а также Кодекса этики и поведения бизнеса TeliaSonera для полнейшего соответствия местной законодательной базе и международным нормам, принятым Республикой Узбекистан.

Питер Борсос, старший вице-президент TeliaSonera и глава группы по корпоративным коммуникациям положительно прокомментировал визит акционеров: "Поездка прошла успешно, инвесторы были довольны тем, как компания Ucell справляется с проблемами по устойчивому развитию бизнеса. Они были довольны тем, что они увидели. Они смогли убедиться в том, что мы на правильном пути, даже если постоянную работу в направлении устойчивого развития бизнеса нельзя считать когда-либо завершенной".

"Учитывая успех визита наших акционеров и руководства, компания Ucell, как никогда ранее, готова бурно развиваться и в дальнейшем продолжать привлечение инвестиций в развитие сети и инновационные услуги", — отметил новый генеральный директор компании Тони Гюнберг, который приступит к работе 15 сентября 2014 года.

БДИТЕЛЬНОСТЬ — ТРЕБОВАНИЕ ВРЕМЕНИ

В Кашкадарьинском филиале АО "Узбекистон почтаси" состоялось собрание на тему: "Бдительность — требование времени" по инициативе областных правоохранительных органов и руководства областного филиала АО "Узбекистон почтаси". В нем приняли участие руководители системы почтовой связи, специалисты службы почтовой безопасности, инженера по эксплуатации, начальники отделений связи.

Собрание открыл исполняющий обязанности директора областного филиала АО Ориф Махмудов. В своем выступлении он обратил внимание присутствующих на речь Президента нашей страны Ислама Каримова на торжествах в честь 23-летия государственной независимости Республики Узбекистан, в которой он остановился на разительных переменах и достижениях нашего народа за годы независимости, на повышении благосостояния жителей республики и процветании городов и сел.

Представители правоохранительных органов говорили также о мире и спокойствии на нашей земле, призвали всех быть бдительными. Они подчеркнули необходимость беречь как зеницу ока независимость, наш мирный созидательный труд и вносить вклад в укрепление независимости.

Поделитесь своими мнениями и сотрудниками почтовой связи. Они заверили трудиться добросовестно и инициативно на благо Родины.

На собрании по рассмотренному вопросу принято соответствующее решение.

НАГРАДА ВОИНУ-ИНТЕРНАЦИОНАЛИСТУ

Любить Родину — это священный долг каждого гражданина нашей страны. Нет ничего дороже для человека, который родился на своей родной земле, вырос и стал преданным ей сыном или дочерью. Таких патриотов, истинных сторонников независимости и процветающего края у нас не перечесть. Все они стремятся умножать славу Родины, идут уверенно к ее великому будущему.

С первых дней независимости глава нашего государства пристальное внимание уделяет военнослужащим, оказывает практическое содействие и поддержку в росте военного потенциала страны, в проведении реформ в вооруженных силах Узбекистана. Потому что, воины достойно выполняют почетную и важную задачу — охрану границ нашей республики, обеспечения покоя и мирного неба.

В связи с 23-летием государственной независимости Республики Узбекистан в Кашкадарьинском областном филиале АО "Узбекистон почтаси" прошло торжественное мероприятие вручения награды воину-интернационалисту, начальнику отделения связи №8 города Карши Шухрату Рахматуллаеву. В честь 25 летия окончания военных действий в Афганистане объединение "Ветеран" вручило Шухрату Рахматуллаеву медаль.

Ш.Рахматуллаев рассказал о годах боевых действий и однополчанам в Афганистане и выразил благодарность государству за обеспечение спокойной жизни на нашей земле, за создание всех условий для обучения, реализации мечты и достижения благих целей.

Афтондил ИСМОИЛОВ

E-kommunal.uz :

можно посмотреть состояние лицевого счета по горячей воде и отоплению

На Портале коммунального хозяйства и жилищного фонда добавлена возможность проверки баланса расчетов за отопление и горячую воду. С сегодняшнего дня можно проверять баланс расчетов по всем коммунальным службам! Для этого, напоминаем, надо в персональном кабинете указать лицевые счета коммунальных служб.

Также добавлена возможность оплаты за газ и уборку мусора через MBANK <https://orlata.uz>. При нажатии на кнопку "Оплатить" вам предложат выбрать механизм оплаты: через MBANK или SMS-To'lov <http://smst.uz>.

Текущее состояние лицевого счета по коммунальным услугам

Внимание! Для того чтобы узнать текущее состояние лицевого счета, вам необходимо заполнить номер лицевого счета в форме профиля. В данный момент представлена возможность просмотра текущего состояния лицевого счета по электроснабжению, холодной воде, природному газу и отоплению.

Электроснабжение		Холодная вода	
Лицевой счет	24100000408	Лицевой счет	119 031
ИНС		ИНС	
Адрес		Адрес	
Дата последней оплаты	21.08.2014	Баланс	32372.15
Сумма последней оплаты	52000.00	Дата баланса	01.08.2014 в 09:30
Последняя оплата за счетами	14		
Остаток ч/ч на балансе, по дебету	241941.80		
Тит счета/а	169230.60		
Средний объем потребления	17638188		
Информация о тарифе	131.40		
Наименование РЭС	169230 UZBEKTEL		
ИНС абонента РЭС	1300000000		
Телефон РЭС	2675740		
Адрес РЭС	Ташкент, ул. Мухоморова, стр. 100, корпус 6, д. 7		
ИНН РЭС	201020480		
МНП РЭС	00423		
ОКНП РЭС	1119		
Расчетный счет			

Горячая вода и отопление	
Лицевой счет	119 031
ИНС	
Адрес	
Баланс	41.01
Дата последней оплаты	3
Сумма последней оплаты	
Дата последней оплаты	
Сумма последней оплаты	
Ссылка на сайт РЭС	17/08/2014 в 09:30

Утепление помещений	
Лицевой счет	1692300020
ИНС	Абдуллаев
Баланс	24 631.00
Адрес	Кашкадарьинская область, г. Карши, ул. 107

Природный газ	
Лицевой счет	
ИНС	
Баланс	
Адрес	

Вы можете изменить свой лицевой счет посредством оплаты через платежные системы

Вы можете изменить свой лицевой счет посредством оплаты через платежные системы

Ягона порталда электрон тўловлар

Ягона порталда энди айрим хизматлар, хусусан, электр энергияси, маиший чиқиндилар, совуқ сув ва табиий газ учун тўловларни "SMS-Тўлов" тизими орқали амалга ошириш имконияти яратилди.



Ягона портал фойдаланувчилари ўз банк карталарини порталда рўйхатдан ўтказган ҳолда шахсий кабинетларига кириб, менюда тасвирланган "Хизматлар тўлови" банди, ундан сўнг "SMS-Тўлов" тугмасини босиб, мазкур хизматни фаоллаштиришлари мумкин.

Ушбу қадамлардан сўнг фойдаланувчига "SMS

-Тўлов" тизими ёрдамида электр, маиший чиқиндилар, сув ва газдан фойдаланганлик учун тўловларни амалга ошириш имконияти тақдим этилади.

Яқин келажақда Ягона порталда яна бошқа турдаги тўлов тизимларидан фойдаланиш имкониятини яратиш режалаштирилмоқда.

TATU талабалари

ўртасида "Мобил дастурлар" танлови эълон қилинди

Ucell мобил оператори Тошкент ахборот технологиялари университети билан ҳамкорликда 2010-2013 йилларда ўқишга кирган TATU талабалари ўртасида "Мобил дастурлар" танловини ўтказишни эълон қилди.



Танлов иштирокчилари қуйида келтирилган мобил амалий тизимларидан бири учун мобил дастур ишлаб чиқишлари керак бўлади: Android, iOS, Windows Phone, Java2ME.

Дастур ишлаб чиқиш учун мавзулар:

- Алоқа тармоғининг сифатини синовдан ўтказиш (интернет тезлиги, абонент жойлашган манзил, телефон модели, абонент рақами ва бошқа маълумотлар);

- Ucell офислари ҳамда дилерлик пунктлари жойлашган манзилларни топиш;

- Алоқа учун сарфланадиган харажатларни ҳисобга олган

ҳолда, қулай тариф ва хизматларни тақдим этиш;

- Мобил Facebook ижтимоий тармоғидаги Ucell саҳифасидан қулай фойдаланиш;

- Facebook ижтимоий тармоғининг Ucell саҳифасидаги "Like"лар сонини кўпайтириш;

- Эркин мавзу (аввалроқ Ucell билан келишилган тарзда).

Мобил дастурни ишлаб чиқиш учун берилган муддат — 18.09.2014дан 18.12.2014гача.

Танловда иштирок этиш учун аризалар 17 сентябргача қабул қилинади.

Ҳолиблар 2015 йилнинг январ ойида тақдирландилар.

Танловда иштирок этиш учун керакли шаклни тўлдириб, developer@ucell.uz манзилига юбориш лозим.

Ҳолибларни қуйидаги совғалар кутмоқда:

- 1-ўрин — Ucell мобил дастурни 10 миллион сўмга харид қилади;

- 2-ўрин — Ucell мобил дастурни 5 миллион сўмга харид қилади;

- 3-дан 10-ўрингача — ZTE Skate Acqua смартфонлари.

Киберспорт:

Zo'r-Zo'r билан биринчи бўл!

Фарғона шаҳридаги "АЗИЯ" мажмуасида Zo'r-Zo'r UCG 2014 Ўзбекистон чемпионатининг минтақавий саралаш босқичи бўлиб ўтди.



бўлди. Иккинчи ўрин Фарғона саноат касбхона коллежи ўқувчиси Санжарбек Ҳафизовга, учинчи ўрин "Универсал при" интернет-кафеси иш юритувчиси Нодирбек Мирзаалиевга насиб этди.

Ҳолибларга мазкур мусобақалар ҳомийси — "Билайн"дан қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
"Xabar"нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

Иккинчи "ақлли" хонадон эгасини топди

"Билайн"нинг иккинчи "ақлли" хонадони наманганлик Абдуқодир Мирқомилловга насиб этди.

У "Инновация" акциясининг иккинчи босқичи натижаларига қўра, навбатдаги хонадон эгасига айланди. 1 ва 2 миллионлик пул совринларини эса 27 нафар абонент қўлга киритди.

"Замоनावий уй" тизимли навбатдаги хонадон бир ҳафта давомида душанбадан якшанбагача алоқа хизматларига \$2,5 дан зиёд маблағ сарфлаган барча абонентлар орасида ўйналди. "Статус" туркумидаги тариф режалари абонентлари "Инновация" акциясида автоматик иштирок этдилар.

"Хар куни "Инновация" акциясига янада кўп абонент қўшилипти, — дея воқеани шарҳлайди "Юнител" тижорат директори Максим Ефремов. — Абонентларимиз ишончини оқлаш биз учун муҳим, шунинг учун ўйин жонли эфирда ўтмоқда, ҳар ким студияга кўнғироқ орқали тушиб, унинг натижасига таъсир кўрсатиши мумкин. Ўз навбатида, мен иккинчи хонадон эгасини табриклайман ва барчани ўз омадини синов қўришга тақлиф қиламан".

Эслатиб ўтамиз, "Инновация" акцияси 2014 йилнинг 30 июнидан 27 декабрга қадар ўтказилади.



Ҳолиблар аниқланди

9 сентябр куни пойтахтнинг "Алянс Арена" клубида FIFA 14 ўйини бўйича Great — Pro A профессионал лигаси иштирокчилари орасида финал саралаш босқичи бўлиб ўтди. Мусобақаларда 64 нафар е-спортчи иштирок этди.

Суперфинал лигасида биринчи ўринни — Сирожддин Камолов, учинчи ўринни — Анвар Қодировлар эгаллашди. Шундай қилиб, Абдусали ва Сирожддин е-спортчи бўйича Zo'r-Zo'r UCG 2014 Ўзбекистон чемпионатининг миллий финали — ESWC 2014 жаҳон кубоги финалининг саралаш турнирида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Эслатиб ўтамиз, 26 сентябр куни ICTExpo2014 кўргазмасининг бош саҳнасида бўлиб ўтадиган Zo'r-Zo'r UCG 2014 миллий финалида 8 финалчи иштирок этди. Уч финалчи — Бухоро, Самарқанд ва Фарғона ҳудудий саралаш турнирларининг ҳолиблари, икки финалчи "Алянс Арена" лигасининг финалчилари ва ниҳоят, уч финалчи 14 сентябр куни Тошкент ҳудудий турнири натижасида саралаб олинди.

FIFA 14 бўйича Ўзбекистон чемпиони Францияда бўлиб ўтадиган ESWC 2014 жаҳон кубогининг финалига йўлланмани қўлга киритади.

XXI аср – ахборот технологиялари асрида яратилган ҳар қандай восита тезда оммалашиб, дунё бўйлаб тарқалмоқда. Айниқса, ахборот дунёси жамиятни ўзгартирибгина қолмай, ёмон оқибатларга ҳам олиб келиши ҳеч гап эмас.

Билганларимизга

Бугунги кунда ҳаётимизни айрим техник воситаларисиз тасаввур қила олмаймиз. Деярли ҳар бир касб эгаси меҳнат фаолияти давомида компютерга мурожаат қилади. Шу боисдан бу ноёб техника одамларнинг доимий ҳамроҳига айланган. Компютер ахборот олиш, кенг қўламли маълумотларни қайта ишлаш, турли жараёнларни моделлаштириш, бажарилаётган ишлар сифати ва тезлигини ошириш ҳамда вақтни тежашда ижобий афзалликка эга. Бироқ, шу ўринда, бу ақлли машинанинг инсон саломатлигига зарарларини ҳам эсдан чиқариб қўймаслигимиз керак. Умуман олганда, унинг қаршисида кўп ўтириш соғлиқ учун зиён. Хусусан, кўриш қобилияти пасайиши ҳамда қўл-кафт бўғимларига тушадиган оғирлик натижасида оғриқ пайдо бўлиши, нотўғри ўтириш натижасида умуртқа поғонасига шикаст етиши ва ҳаттоки, инсон руҳиятига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Компютердан мунтазам узоқ вақт фойдаланганда киши ўзини толиққан ҳис қила бошлайди ҳамда асаб толалари таранглашади. Бу эса электромагнит нурларини асаб тизимларига шикаст етказётганидан далолат беради. Айрим касб эгалари ёки компютер ўйинларига шайдо ўсмирлар танаффуссиз ундан фойдаланиши оқибатида кўзларнинг қизариши ва ёшланишига, шунингдек, эндокрин ва юрак-қон томир тизимларига ҳам салбий таъсир қилиши мутахассислар томонидан аниқланган.

“ЗАМОНАВИЙ” БОЛА

Кўча-куйда, танишлар орасида: “Замонавий болалар биздан кўра кўп нарсани билади-да, агар телефонини бериб қўйсам мен билмаган функциясига кириб, ўйинларни ўзи қўйволади. Бу ҳали ҳолва, уйимда компютерим ҳам бор. Болам бўлса энди учга кирди, лекин компютерни мендан кўра яхши тушунади”, қабилидаги мақтовларни кўп эшитамиз. Дарҳақиқат, бугунги кунда фарзандларнинг ақли ва баркамол воёга етишлари учун барча шароитлар муҳайё. Бунда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ҳам ўрни беқийёс.

Кўпгина хонадонларда шахсий компютерлар мавжуд, шу боис болани компютердан холи қилишнинг иложи йўқ. Чунки ўқиш жараёни ҳам компютер ва интернетга боғлиқ бўлиб бораётгани учун бола компютерда ишлашни билиши лозим. Технологияни билиш яхши, бу замон талаби, аммо масаланинг иккинчи томони ҳам борки, одамни чуқур мулоҳаза юритишига ундайди. Баъзи ҳолларда ОАВ орқали бериб борилаётган долзарб мавзуларга эътиборсизлик билан қаралади. Мисол учун, компютерларнинг инсон саломатлигига салбий таъсири ҳақида кўп бора айтилган. Бироқ бу маълумотларга кўпчилик бепарво.

Ҳозир наинки катта ёшдагилар, балки ўсмирлар ва ҳатто кичкинтойларнинг компютер қаршисида

риоя қилиш мушкулми?



ўтириши оддий ҳол бўлиб қолди. Юқори электромагнит муҳити ёшлар саломатлигига сезиларли даражада таъсир ўтказиши. Туну-кун компютер қаршисида ўтириб, турли фильмлар томоша қилаётган ёки ҳар хил ўйинлар ўйнашни одат қилиб олган болалар сони орта-ортмоқдаки, камайгани йўқ. Улар ҳали мурғак ниҳол, соғлиқларини хавф остига қўйишадигани ҳали тушуниб етишмайдилар. Бироқ, катталар, ота-оналар-чи? Нега улар фарзандлари камолотига бепарво қарайдилар? 10-12 ёшгача бўлган болаларнинг компютерда кўп ўтириши миядаги марказий асаб тизимининг бузилиши, асаб томирларининг шикаст етишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолларда болада чарчоқ, бош оғриғи, уйқунинг бузилиши каби нохушликлар кузатила бошлайди. Шифокорларнинг таъкидлашларича, болалар компютер қаршисида қанча вақт ўтиришлари белгилаб қўйилган. Масалан: 5 ёшдаги болалар етти дақиқа, 6 ёшдагилар 10 дақиқа, 5-синф ўқувчилари 15 дақиқа, 6-7-синф ўқувчилари 20 дақиқа, 8-9-синф ўқувчилари эса 25 дақиқача компютер олдига ўтиришлари мумкин. Бунга ҳамма ота-ота ҳам риоя қилияптими? Эндигина дунёни англаётган бола инжиклик қилиб йиғлагудек бўлса, ота-онаси унга телефон, телевизор ёки компютер ўйинларини қўйиб берадилар. Бу болани алдашми ёки...

ОРАЛИК МАСОФАНИ САКЛАНГ!

Компютердан фойдаланаётганда, албатта, оралик масофага ҳам эътибор қаратиш талаб этилади. Монитор билан кўз оралиғидаги масофа 45 см.дан кам бўлмаслиги керак, чунки қисқа масофада нурланиш таъсири кучи юқори бўлади ва ҳаттоки,

қисқа юмилишда кўриш органининг фаоллиги тўрт баробаргача сусаяди. Бундай ҳолатларда миянинг радиация тўлқинлари қабул қилишига кенг имкон яратилади. Компютер олдига соатлаб ўтирадиган кишиларда мия бошқарувининг заифлашиши натижасида, хотира сусайиши каби хасталиклар вужудга келиши мумкин. Кўзнинг толиқиши компютерларнинг монитори турига ҳам боғлиқ. Ундан фойдаланаётганда бугун диққатни узоқ вақт давомида мониторга қаратиш кўриш даражасининг янада пасайишига олиб келади ва сезги фаолиятига ҳам салбий таъсир қилади. Натижада кўз қорачиқлари сатҳи одатдагидан 3-4 баробаргача кенгайиб, тунда кўриш даражаси эса қисқаради. Компютер билан ишлаш давомида кўз доимий равишда экранда бўлгани боис мониторнинг мунтазам равишда жимирлаши кўзни таъсирлантиради. Шу сабабдан мутахассислар компютер қаршисида узоқ вақт ўтирилганда ҳимояловчи кўзойнақлардан фойдаланишни тавсия қилдилар. Аммо улардан ҳам узоғи билан икки соат давомида фойдаланишни, оддий ҳолатларда ҳар беш-ўн дақиқада кўзларга дам беришни маслаҳат берадилар.

“Соғлом бола — юрт келажаги”. Бу ибора остида катта маъно мужассам. Юртимиз келажаги, мустақил давлатимиз тараққиёти ёшларнинг, болаларнинг етук камолоти билан белгиланади. “Болам мендан кўра техникани яхши билади, замонавий бола-да” деб қувониш яхши, аммо ҳар нарсда меъёр борлигини унутмаслик лозим.

Шоҳруҳ САИДОВ,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика
факултети талабаси

Биласизми?



Бугунги кунда ҳаётимизни компютерсиз тасаввур қилиш қийин. Улар бизга ёзиш, ўқиш, мусиқа тинглаш, фильм томоша қилишимизга, об-ҳаво маълумотлари, интернетдан фойдаланиш ва ҳатто тиббий тахассислар қўйишга ёрдам беради. Компютерлар турлари шунчалик кўпки, яқинда ҳатто музлатгич ёки газ плитаси ҳам тўлақонли компютер бўлиб қолади. “Компютер” сўзининг ўзи инсоният томонидан 115 йилдан ортқ вақт давомида фойдаланилиб келишини эса кўпчилик билмайди.

Компютер (ингл. computer, “ҳисоблагич”) — берилган, аниқ белгиланган кетма-кетликдаги операцияларни бажаришга қодир қурилма ёки тизимдир.

Биринчи бор “компютер” сўзи талқини 1897 йили Оксфорд инглиз тили луғатида пайдо бўлди. Унинг тузувчилари ўша даврда компютерни механик ҳисоблаш қурилмаси каби тушунганлар. 1946 йили луғат рақамли, аналогли ва электрон компютер тушунчаларини фарқ қилишга имкон берувчи қўшимчалар билан тўлдирилди.

Агар ўйлаб қарайдиган бўлсангиз, ички оламингизни ҳеч нарса китобдек беғараз бойита олмайди. Руҳиятингизни ҳеч нарса китобдек, билим олишдек, ўрганишдек буюк неъмат билан безай олмайди. Кишининг интелектуал ривожланишида китоб асосий ўринни эгаллайди, чунки кишининг ўзини ўзи тарбиялашида китоб ҳам билим манбаи, ҳам ўзингизни кўриш, таққослаш, таҳлил қилиш, мунозара юритиш, баҳслашишда маълум даражада кўзгу вазифасини ўтайди.

КИТОБМИ ЁКИ ГЛОБАЛ ТАРМОҚ?!

Инсоният яратган мўжизаларнинг энг буюғи – китобдир.



Инсоният яратган, қайта-қайта ўйлаб кўрган ва у эришган нарсаларнинг бари худди сеҳрли сандиқдай китоблар саҳифаларида сақланган.

Айрим ҳолларда телевиденида, жамоат жойларида "...ҳозирда китобга бўлган қизиқиш камайди, одамлар китоб ўқимай қўйди, ҳамма маълумот, ахборотлар, электрон китоблар интернетда мавжуд, бари-рини интернет орқали ўқиш мумкин, китоб варақлаб ўтиришнинг ҳолати қолмади" деган гапларни эшитиб қоламан. Мен бунга умуман кўшилмайман. Биз тафаккурга, фикр мусобақасига эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам кучайган бир даврда яшаймиз. Шу боис китобхонларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжи ҳамда қизиқишлари кўп қиррали. Бугун ёшларимизни асосан илм-фаннинг барча соҳаларига доир адабиётлар ва ахборотлар, янги технологиялар қизиқтирса, катта ёшдаги китобхонларимизни кўпроқ нашр қилинган янги бадиий адабиётлар, газета ва журналларда чоп этилаётган ахборотлар қизиқтиради.

Электрон кутубхона эса интернетнинг ажойиб имкониятларидан биридир. Бу кутубхонанинг электрон шакли бўлиб, ундан фойдаланиш жуда қулай. Ҳар бир фойдаланувчи дунёнинг ихтиёрий нуқтасидаги электрон кутубхона маълумотларидан фойдалана олиши мумкин. Интернет — битма-туганмас маълумот базаси. Манаман деган кутубхоналарда ҳам топилмайдиган маълумотларни интернетда топиш мумкин. Масалан, Ziyo.uz сайтида 3

мингдан ортиқ китоблар бор. Эркин Воҳидов ёки Абдулла Ориповнинг илк тўпламларини кутубхоналардан олиб ўқиш мумкин, лекин ҳозирги кунда китоб савдоларидан топиш муаммо, аммо интернетда бу китобларнинг электрон нусхалари мавжуд. Шунинг учун ҳам интернетдаги электрон китобларга бўлган қизиқиш ва эҳтиёж кун сайин ривожланмоқда. Электрон китоблар жой эгалламайди. Уларни исталган пайтда осонгина топиш, бепул кўчириб олиш мумкин. Электрон китобларни ўқиш қулай. Матнни катталаштириб, рангини, шаклини ўзгартириб ўқиса ҳам бўлади.

Лекин, шунинг ҳам айтишимиз керакки, интернет — ҳар қим ўз фикрини айтиш ҳуқуқига эга бўлган умумий демократик макон. "Интернетдан бутун ҳамма ҳам тўғри фойдаланишми?" деган саволга жавоб бериш қийин бўлапти. Бугунги кунда интернет халқаро тармоғи инсон онига таъсир ўтказувчи улкан ахборот қуролига айланиб қолгани ҳам сир эмас. Ҳар хил интернет сайтлари орқали ивгогарлик, салбий ахборотлар, бузғунчи ғояларни тарғибот қилиш ҳам учраяпти.

Интернет тармоғини яратган инсон унинг фақатгина фойдали томонларини кўрган. Бироқ зарарлари-чи? Ёшларимизнинг онгини бузадиган, уларга ҳар томонлама нотўғри ғоя берадиган ахборотларни-чи, уларни тўхтатиб бўладими? Йўқ, тўхтатиб бўлмайди. Бу ҳар бир инсоннинг, ёшларнинг ўзига боғлиқ. Ҳамма нарса компьютер ва интернетдан тўғри фойдаланишда. Ҳам-

мага маълум, дурадгор устанинг қўлидаги болта — бунёдкорлик қуроли бўлса, жиноятчининг қўлида — совуқ қуролга айланади. Интернетдан ҳам мақсадли фойдаланиш катта фойда беради. Фарзандларимизни интернетдан тўғри фойдаланишга ўргатиш эса ўз қўлимизда.

Ривожланган мамлакатларнинг айримларида бўлганимизда у ерда ахборот технологиялари, компьютер, хуусан, интернет жуда яхши ривожланганлигининг гувоҳи бўлганмиз. Барча кутубхоналарнинг китоб жамғармалари электрон нусхалари яратилиб, интернетга жойлаштирилган бўлишига ва аҳоли уйида ўтириб, масофадан туриб бу китобларни ўқиш имконияти яратилганлигига қарамасдан, у ерларда китобхонлик су-сайгани йўқ. Кутубхоналар бизнинг бозорларимиздаги каби гавжум. Фойдаланувчилар китобларни варақлаб ўқишни афзал кўрадилар.

Ҳақиқатанам китобларни варақлаб ўқишда ўзгача эстетик завқ бўлади. Чунки интернетда китобга хос ҳил йўқ, саҳифаларни варақлашдек ҳузур йўқ. Инсон ўзига, фарзандларига ҳаммаша яхши китоб учун пулини ҳам, вақтини ҳам аямаслиги керак.

Агар уйга китоб олиб келинса, оилада китоб ўқилса, бу анъана фарзандлар томонидан, албатта, давом эттирилади. Киши болаликдан китоб ўқишни одат қилмас экан, кейин ҳам китобга қизиқиши қийин. Шунинг учун китобга бўлган муҳаббатни фарзандларда ёшликдан уйғотиш ота-онанинг энг асосий вазифасидир. Айрим ота-онала-

римиз, масалан, фарзандига 200 минг сўмга телефон сотиб олиб беради-ю, 15-20 минг сўмга китоб олиб беришни эсидан чиқармоқда, уларнинг қайси бири фарзандига кўпроқ фойдали эканлигини эса ўйлаб ҳам кўришмайди.

Халқимизда ажойиб бир мақол бор: "Қуш уясида кўрганини қилади". Одатда болалар ҳар нарсга қизиқувчан бўлишади. Уларнинг саволларига ҳеч эринмасдан жавоб бериш зарур, керак бўлса, жавобларни биргаликда китоблардан излаб топиш керак. Бундан ташқари, уларда тақдирчилик ҳисси кучли бўлади. Улар кўпроқ ота-оналарига тақдир қилади. Ҳали ўқишни билмайдиган фарзандларимизга, албатта, ўзимиз эртақлар, ривоятлар, ҳикояларни кўпроқ ўқиб беришимиз, унда ёзилганларни бирга таҳлил қилишимиз, байрамларда, тугилган кунларида уларга кўпроқ китоб тақдим қилишимиз керак. Биз шунга эришишимиз керакки, фарзандларимиз учун китоб энг бебаҳо совға бўлсин. Шундагина фарзандларимиз биз орзу қилган маънавий етук, теран фикрлай оладиган, соғлом, катта ва кичикка меҳрибон, Ватанига содиқ, инсофли, саховатли ва олижаноб инсонлар бўлиб етишишларига эришамиз.

Гулнора ИСМОИЛОВА,
Бобур номдаги Андижон вилоят
ахборот-кутубхона маркази
директори

ЮКСАК ЭЪТИБОР САМАРАСИ

Республикамизда кўплаб соҳалар қатори соғлиқни сақлаш соҳасига ҳам берилаётган катта эътибор ва амалий ишлар тўғрисида мустақиллик йилларида бу соҳада кескин ижобий ўзгаришларга, ютуқларга эришилди. Табиийки, бу аввало, ҳуқуқимиз томонидан юриштирилган оқилна сиёсат ва халқимиз саломатлигини сақлаш йўлида амалга оширилган ислоҳотлар, юксак эътибор тўғрисида.

Маълумки, аҳоли ўртасида энг кўп учрайдигани тиш кариеси касаллигидир. Буни назарда тутган ҳолда, Марказий Осиёда биринчи бўлиб, Президентимиз "Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш тўғрисида" қарор қабул қилди. Мазкур институт Тошкент давлат тиббиёт академиясининг стоматология факултети ўрнида бунёд бўлди.

Президентимизнинг ҳар бир инсон ўз Ватани, миллати, касби тарихини яхши билмоғи керак, деган оқилна сўзлари бор. Шу боис республикамизда стоматология факултети очилгани, кафедра мудирилари, ўқитувчилари тўғрисида гапиришни лозим кўрдим. Чунки, мен ҳам Москвада ўқиб келганимдан сўнг шу жараёнлар иштирокчиларидан бирига айландим.

1954-йилларда, ўша кезлар ТошМИда ректор бўлиб ишлаган Абдумалик Фуломов мазкур институт қошида стоматология факултетини ташкил этиш бўйича республика раҳбарияти ҳузурда бўлиб, мамлакат учун стоматология соҳаси мутахассислари зарур эканлигини исботлаб, Ўрта Осиёда биринчи марта ушбу факултет очилишига муваффақ бўлган. Аммо ўша пайтлардаги шарт-шароит ҳозиргидек яхши эмас эди. Шунга қарамасдан, ўтган вақт давомида мазкур факултетда ўқиган талабалар республикамизнинг барча нуқталарида ишлаб, беморлар раҳматига са-

звор бўлиб юрибдилар. Улар орасида қабрилик вазифаларида ишлаганлар, илмий ишлар қилиб, фан номзоди, фан доктори, профессор бўлиб етишганлари кўпчиликини ташкил қилади.

Айтмоқчиманки, айти пайтда стоматология соҳасида малакали мутахассислар тайёрлаш учун бизда ҳар томонлама етарли база мавжуд. Бу йил Тошкент давлат тиббиёт академиясининг стоматология факултетига ҳужжат топширган абитуриентлар тест натижаларига асосан Тошкент давлат стоматология институтига талабалikka қабул қилиниши.

Президентимизнинг мазкур институтни ташкил этиш тўғрисидаги қарори ўз вақтида қабул қилинган муҳим ҳужжат бўлди. Билимлар кунда ўқишга янги қабул қилинган биринчи қадирчоллар илк сабоқдан баҳраманд бўлиши. Уларга чин дилдан ҳавасин келди.

Стоматология соҳаси ривожига ҳисса қўшаётган барча фидойиларга мустақкам соғлиқ ва омад тилайман.

Миржамол МИРЎҚУБОВ,
профессор

"Ўзбектелеком" АК навбатдаги тендер савдоларини эълон қилди.

Суратда: Дилшод РЎЗУМОВ (чапда) бўлим мутахассиси Камолитдин ЮНУСОВ билан.



ИЗЛАНУВЧАН МУТАХАССИС

Ёшлар — бизнинг келажагимиз, эртанги кунимиз эгалари. Айниқса, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини пухта эгаллашга ҳаракат қилаётган ёш мутахассислар таянчимиз ҳисобланишади. Ана шундай, соҳага меҳр қўйган ёшлар "Ўзбектелеком" АК "Бизнесни ривожлантириш маркази" филиалида ҳам қўлчилликни ташкил этади. Улар институтда олган билимларини амалиётда татбиқ этиб, устоз алоқачилар ёрдамида касб сирларини пухта эгаллашга ҳаракат қилишмоқда.

Филиал Лойиҳаларни ривожлантириш, техник амалга ошириш, техник ҳисоб ва назорат бўлими 1-тоифали мутахассиси Дилшод Рўзумов ҳам ана шундай ёшлардан бири. Дилшод Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманида таваллуд топган. Мактабдан сўнг Ҳазорасп қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежини тамомлаган Дилшод 2006 йили Тошкент ахборот технологиялари университетига ўқишга кирди. Институтни битирганидан кейин у бир неча йил Сергели политехника касб-хунар коллежида ўқувчиларга ахборот технологиялари фанидан сабоқ берди. Айни пайтда эса у филиалнинг етук мутахассисларидан бири.

— Мактабда ўқиб юрган пайтимдаёқ радио, турли телефон аппаратларини тузатишга қизиқар, синфдошларимнинг бузилган электр қурилмаларини созлаб берардим. ТАТУга ўқишга киришимга ҳам ана шу қизиқли сабаб бўлди, — дейди Дилшод биз билан суҳбатда. — Бугун алоқачилик касбини танлаб адашмаганимга амин бўляпман. Зеро, алоқа нафақат юртимизда, балки дунё миқёсида ҳам энг ривожланган соҳалардан бири бўлиб қолди. Соҳани мукамал эгаллаш учун эса университетда олган билимнинг ўзи камлик қилади, албатта. Негакки, замон шиддат билан ривожланипти, кечаги янгилик бугун эскига айланиб бораёттир. Шундай вазиятда соҳадаги ҳар бир янгиликни пухта ва мукамал ўрганиб бормоқ лозим. Мен ана шунга ҳаракат қилиб, ҳар бир ўзгаришдан, ишга туширилаётган янги техника ва технологиялардан хабардор бўлишга интилиб яшайман. Бу борада бўлим бошлигимиз Иброҳим ака Сағдиев, бўлим мутахассисларидан Ёрқин ака Фафуров, Баҳром Зиямуҳамедов ва бошқаларнинг ёрдами катта бўляпти. Биз ўзимиздаги, шунингдек, хориж мамлакатларидаги ўзгариш ва янгиликларни биргаликда ўрганамиз, яхши ва ёмон томонларини муҳокама қиламиз, фикр билдирамыз.

Ҳа, шундай баҳс-мунозаралар билимнинг кўпайишига, тажрибанинг ортишига хизмат қилади. Дилшод ва унинг ҳамкасблари эришаётган муваффақиятлар сирини ҳам шунда. Зеро, у фаолият юритаётган бўлим филиалнинг энг илғор жамоаларидан ҳисобланади.

Муборак ИДРИСХЎЖАЕВА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

"Соғлом бола — баркамол келажак" мавзуида давлат ижтимоий буюртмаларини жойлаштириш учун танлов эълон қилади

Танловда Ўзбекистон Республикасининг ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг куйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

- кам таъминланган оилалар фарзандларини, ногирон болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш;
- тиббий маданиятни юксалтириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш;
- ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд оилалар қизларини турли оммавий-маданий тадбирларга кенг жалб қилиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратиш;
- ота-она қаровисиз қолган етим болалар, ақлий ёки жисмоний ривожланишида нуқсонлари бор болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш;
- "Бир болага етти қўшни ота-она" шиори остида болалар тарбияси учун оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;
- ёшларда ватанпарварлик, тарихий ва маданий меросни ҳурмат қилиш туйғусини шакллантириш.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши шарт:

1. Талабнома тақдим этилаётганлиги тўғрисида ННТ, фуқаролик жамиятининг бошқа институти ҳамда давлат ташкилоти раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган қўшма кузатув хати;
2. www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат ижтимоий буюртмаси лойиҳа талабномаси;
3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, агар лойиҳа лицензияланган фаолиятни талаб қилса, лицензия нусхаси, Низом нусхаси киритилган барча ўзгариш ва қўшимчалар билан ташкилот муҳри тасдиқланган шаклда.
4. "ННТ фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасига мувофиқ давлат органи ва ННТ, фуқаролик жамиятининг бошқа институти ўртасида ижтимоий аҳамиятта молик лойиҳаларни амалга ошириш учун ишларни бажариш ёки тадбирлар ўтказиш бўйича тузилган шартноманинг нусхаси;
5. ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтига ишларни бажариш ёки тадбирлар ўтказиш белгиланган ҳудудий ёки соҳавий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурининг нусхаси.
6. Битта давлат ижтимоий буюртмаси лойиҳаси учун ажратиладиган маблағ миқдори — 25 млн. сўмгача.

Ҳужжатлар 2014 йил 2 сентябрдан 3 октябргача ҳар кун соат 9.30 дан 18.00га қадар қабул қилинади. Танловда давлат рўйхатидан ўтган ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институти иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (A4 формат): 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шохўчаси, 1-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институти қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин. Маълумот учун тел: 239-26-76, 239-26-64.

SONY
VAIO

Sony Vaio бренди бизга нотбуклари билан яхши таниш. Сиз унинг логотипида яширин маъно борлиги ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз. "Vaio" сўзининг дастлабки икки ҳарфи тўлқинсимон бўлиб, аналог сигналнинг рамзидир, қолган икки ҳарф эса 1 ва 0га ўхшагани учун рақамли сигнал маъносини беради.

BRENDOMANIYA

ЭЪЛОН!

Тошкент ахборот технологиялари университети куйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

Катта ўқитувчилар:

Информатика асослари — 1, Телекоммуникация инжиниринг — 1, Ахборот технологиялари — 1, Гуманитар фанлар тиллари — 1, Компютер тизимлари — 1, Чет тиллари — 1, Почта алоқаси технологиялари — 1.

Ассистент (ўқитувчи)лар:

Мултимедиа технологиялари — 1, Ахборот хавфсизлиги — 2, Ахборот технологиялари дастурий таъминоти — 1, Алгоритмлаш ва математика моделлаштириш — 1, Телекоммуникация инжиниринг — 1, Телерадиоэшиттириш тизимлари — 1, Компютер тизимлари — 1, Телестудиялар тизимлари ва иловалари — 2, Ахборот-кутубхона тизимлари — 1, Ахборот технологиялари — 1, Менежмент ва маркетинг — 1, Оптик толали линиялар ва ўлчов тизимлари — 1, Тизимли ва амалий дастурлаштириш — 1.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етук мутахассислари қатнашишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амр Темур кўчаси, 108. Телефон: 238-64-06.

ОһАБОРТОТ

- 5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 'Ассалом, Ўзбекистон!'
7.00 'Табиат мўъжизаси'. Х/ф.
7.20 'Иқлим'
7.25 Миллий сериал: 'Орзулар фаши'

- 18.45 'Рафиқалар ва қизлар'. Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълолар.
19.30 'Ахборот' /рус/.
20.05 Миллий сериал: 'Опасингиллар'



- 6.00 'Ватан меҳри'.
6.10 'Тараннум'.
7.00 'Устозлик бахти'.

ПАЙШАНБА — 18 СЕНТЯБР

СПОРТ

- 7.10 'Мультипанорама'.
8.00 'Олтин даврим'. Т/с.
8.50 'Ёшлик наволари'.
9.10 'Қалбим чечаги'. Т/с.
10.00 'Давр'.

- 5.55 'Ягонасан, муқаллас Ватаним!'
6.00, 8.00, 12.00, 16.00, 18.00, 20.00, 2.00 'Ройтахт'.
6.25 Миллий сериал: 'Ҳаёт жигалари'. Т/с. 30-қисм.

- 20.25 'Очик мулоқот'.
21.15 'Теледаҳли'.
21.35 'Ройтахт Hi-tech'.
21.45 'Теле-маркет'.

- 14.15 'Sport ensiklopediya'.
14.20 'Техно-спорт'.
14.30 'Эльтироф'.
14.40 Теннис АТР/WTA турнири.

СПОРТ


- 6.00 'Хайрли тонг!'
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 'Матонат'.
6.30 Тонгги гимнастика.

- 20.25 'Sport ensiklopediya'.
20.25 АНОНС.
20.30 'СПОРТ-МАРКЕТ'.
20.35 АНОНС.

ОһАБОРТОТ

- 5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 'Ассалом, Ўзбекистон!'
7.00 'Табиат мўъжизаси'. Х/ф.
7.20 'Иқлим'
7.25 Миллий сериал: 'Орзулар фаши'

- 19.25, 20.00, 20.55 Эълолар.
19.30 'Ахборот' /рус/.
20.05 Миллий сериал: 'Опасингиллар'



- 6.00 'Ватан меҳри'.
6.10 'Тараннум'.
7.00 'Устозлик бахти'.

ЖУМА — 19 СЕНТЯБР

СПОРТ

- 9.10 'Қалбим чечаги'. Т/с.
10.00 'Давр'.
10.10 'Қайтар дунё'. Т/с.
11.00 'Ўзбек адабиёти'.
11.30 'Устозлар'.

- 5.55 'Ягонасан, муқаллас Ватаним!'
6.00, 8.00, 12.00, 16.00, 18.00, 20.00, 2.00 'Ройтахт'.
6.25 Миллий сериал: 'Ҳаёт жигалари'. Т/с. 31-қисм.

- /Премьера/.
21.15 'Сайёр камера'.
21.35 'Ройтахт-эко'.
21.45 'Теле-маркет'.

- 14.15 'Sport ensiklopediya'.
14.20 'Техно-спорт'.
14.30 'Эльтироф'.
14.40 АНОНС.

ОһАБОРТОТ

- 5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 'Ассалом, Ўзбекистон!'
7.00 'Табаассум'
7.20 'Тўққиз ой'. Б/ф. 1-қисм.
8.00 'Ахборот'.

- 00.50 'Нақшлар жилоси'.
1.00 'Ахборот' /рус/.
1.30 'Билдмдон'. Интеллектуал таллов.



- 6.00 'Ватан меҳри'.
6.10 'Мумтоз наволар'.
7.10 'Мультипанорама'.
8.00 'Гумбаз остида'. Т/с.

ШАНБА — 20 СЕНТЯБР

СПОРТ

- 16.10 'Сехрли тош'. Т/с.
17.10 'Қалпоқ'. Ҳажвия.
17.30 'Вир ва Зара'. Б/ф. 2-қисм.

- 9.00 Миллий сериал: 'Бедор тугвулар'. Т/с. 12-қисм.
9.40 'Ройтахт Hi-tech'.
10.00, 14.00, 22.00 'Ройтахт'.

- журнали.
1.00 'Ройтахт-эко'.
1.10 'Растение'. Х/ф. /рус тилида/.

- 15.30 АНОНС.
15.35 'Фурур'.
15.40 АНОНС.
15.55 ФУТБОЛ U-16. ОСИЕ ЧЕМПИОНАТИ. ФИНАЛ.

Обуна-2015:

ИМТИЁЗ ВА ҚУЛАЙЛИКЛАР



АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ СОҲАСИ КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, МУАССАСАЛАРИ ҲАМДА ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ҳадемай 2015 йил учун газета ва журналларга обуна мавсуми бошланади. Табиийки, бу жараёнда тахририятлар обуначиларга энг қулай шартларда арзон обуна нархларини таклиф қиладилар. "Xabar" тахририяти ҳам, бир неча йилдирки, аҳоли, корхона ва ташкилотларга имтиёзли нархларда обуна таклифларини бериб келмоқда.

Хўш, бу имтиёзлар нималардан иборат?

Маълумки, тахририят ҳар йили "Xabar"га иккита — оддий 228 ва имтиёзли 3228 нашр кўрсаткичларида обуна баҳоларини эълон қилади. Биринчи нашр кўрсаткичи — 228да хоҳловчилар газетга бир, уч, олти ой ёки умуман, ўзлари истаган муддатга обуна бўлишлари мумкин. Иккинчи нашр кўрсаткичи — 3228да эса газетга бир йилга тўлиқ обуна расмийлаштирилиши шарт. Мазкур нашр кўрсаткичида обуна нархи сезиларли равишда арзон этиб белгиланади. Мисол учун, ушбу нашр кўрсаткичида обуна бўлганлар оддий нашр кўрсаткичида газетга ёзилганларга нисбатан жорий йилда 15 288 сўм иқтисод қиладилар.

Бундан ташқари, тахририят Тошкент шаҳридаги айрим алоқа корхоналари билан тўғридан-тўғри обунани уюштириб, уларга етказиш бўйича шартнома тузиб, бу борада ҳам ибратли хизмат турини йўлга қўйган. Жумладан, "Ўзбектелеком" АК "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали, "Бино сервис" филиали, "UNICON.UZ" ва "Алоқалойиха" давлат унитар корхоналари бир неча йилдан буён ушбу имкониятдан оқилона фойдаланишмоқда.

Хурматли газетхонлар! Алоқа соҳасининг жонкуярлари! Ўз газетангиз бўлмиш "Xabar"га обуна бўлишда юқоридаги имтиёзлардан фойдаланинг! Бу имтиёзлар сезимли газетангизни ўз вақтида ва табиийки, имкони борича қулай нархда олиб, ўқингиз учун жорий қилинган. 3228 нашр кўрсаткичи бўйича обуна бўлганлар 228 нашр кўрсаткичида газетга ёзилганларга нисбатан 15 288 сўм; тахририят билан тўғридан-тўғри обуна уюштирганлар эса 23 856 сўм иқтисод қилиши мумкинлиги ёдингизда бўлсин.

Хурматли газетхонлар! "UNICON.UZ" ДУҚдан ибрат олиб, ҳозирданоқ келгуси йил учун обуна уюштирганлар вақти ва нақдидан қанча ютишлари мумкинлигини унутманг!

Азиз дўстлар, кимда-ким мазкур масала юзасидан қўшимча маълумотга эҳтиёж сезса куйидаги телефонларга мурожаат қилишлари мумкин:
Телефон: 288-40-71; Факс: 288-40-72.

Хўш, тахририят билан тўғридан-тўғри обуна шартномаси тузишнинг қандай афзалликлари бор?

Биринчидан, маблағ сезиларли равишда иқтисод қилинади;

Иккинчидан, газета ҳар жума куни ўз вақтида етказилади;

Учинчидан, барча янгиликлар, воқеалардан биринчи бўлиб танишиш имконияти яратилади.

Келинг, энди тахририят билан тўғридан-тўғри Обуна шартномаси тузган ташкилот қандай иқтисодий наф олишини мисолларда кўриб чиқайлик. Эътибор беринг, тахририят 2015 йил учун имтиёзли обуна нархини 84 552 сўм этиб белгилади. Албатта, бу нарх устига обуна уюштирувчи ташкилотлар ўз харажатларини қўйишади. Мазкур харажат камида 20-25 фоизни ташкил этади. Демак, табиийки, газетга обуна нархи 100 000 сўмдан ошиб кетади. Кўрярсизки, ўртадаги фарқ камида 20 000 ва 25 000 сўмни ташкил қиляпти. Агар битта корхонада, дейлик, 100 нафар ходим обуна бўлса, ўртача ўн миллион сўмдан кўпроқ пул сарфланади. Мабодо, 500 нафар ходим обуна бўлсачи? Бунинг учун математик ёки иқтисодчи бўлиш шарт эмас, маблағ миқдори энди бир неча ўн миллионга ошиши ўз-ўзидан аён. Тахририят билан тўғридан-тўғри обунани йўлга қўйган корхона эса неча миллионлаб маблағини иқтисод қилишга эришади.

Ана шу афзаллиқни яхши чамалаган "UNICON.UZ" ДУҚ ўтган йили 2014 йил обунаси учун тахририят билан шартнома тузиб "Xabar"га 160 донга обуна бўлган эди. Агар газетанинг 2014 йил учун имтиёзли обунаси 70 460 сўм бўлса, бошқа обуна уюштирувчи ташкилотларда ушбу нарх 88 минг сўмдан зиёдни ташкил қилар эди. Орадаги фарқ қарийб 18 000 сўм. Демак, жорий йил обунасидан корхона жами — 2 миллион сўмдан кўп маблағни иқтисод қилган. "UNICON.UZ" ДУҚ аллақачон 2015 йил учун ҳам 170 нусхада обуна уюштирди.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ

Бош муҳаррир
Абдусайд КўЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақам билан 2013 йил
23 июлда рўйхатга олинган.

Газета
ҳафтанинг
жума куни
чиқади

"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида chop этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Г-965 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ,
Адади: 10878 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдор шоҳжўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz
Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер
базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.
Навбатчи: Муборак МИРКАМОЛОВА.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят
муҳбирлари:

Андижонда
226-47-80

Бухорода
715-87-21

Гулистонда
240-00-46

Жиззахда
(94) 199-95-64

Навоийда
225-91-10

Нукусда
554-35-45

Самарқандда
230-64-80

Термида
(91)235-88-68

Тошкентда
288-40-66

Урганчда
(90) 713-21-40

Фарғонада
244-18-05

Қаршида
(93)931-08-99